

**2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини  
“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида Халқ таълими  
вазирлигига ижроси юклатилган топшириқлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
<b>Халқ таълими вазирлигига бевосита юклатилган топшириқлар</b>					
1 (159)	Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: а) Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш; Ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш; 10-11-синф ўқувчиларининг танланган йўналишдаги вариатив ўқув режалари бўйича ўқишларни тажриба-синов тариқасида жорий қилиш; Умумий ўрта таълим муассасалари учун вариатив ўқув режалар ишлаб чиқиш. б) Дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш. в) Ўқитувчиларнинг педагогик юкламасини оптималлаштириш, уларни асосий юкламадан ташқари бошқа ҳисоботлар ва ортиқча қоғозбозлик ишларидан озод қилиш ҳамда педагогиканинг мазмунига кўпроқ вақт ажратиши учун шароит яратиш назарда тутилади.	<b>Халқ таълими вазирлиги,</b> Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	2020 йил 1 июнь	<b>Бажарилди.</b> Халқ таълими вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг 2020 йил 14 майда “Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги 26к/қ-сонли қарори қабул қилинди. Шунингдек, Халқ таълими вазирининг 2020 йил 15 июндаги 144-сонли буйруғи тасдиқланиб, 900 тадан умумий ўрта таълим муассасалари учун 12 та йўналишда вариатив ўқув режалар 10-11-синфларда 2020-2021 ўқув йилида тажриба-синов тариқасида жорий қилинди. Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 2020 йил 29 июндаги 3058-І-сон қарорига мувофиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ҳисобот шакллари 7 тадан 1 тага, синф раҳбарларининг ҳужжатлари 10 тадан 4 тага, мактаб психологларининг ҳужжатлари 27 тадан 8 тага қисқартирилди.

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
2 (160)	Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори иш ҳақи тўлаш тизимини жорий қилиш.	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада; Педагогик маҳорат ва малака даражасини тасдиқлаш бўйича касбий сертификация тизимини жорий қилиш; Биринчи ва олий малака тоифасига эга ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақини малака тоифасига эга бўлмаган ўқитувчиларга нисбатан ошириб бориш амалиётини жорий этиш ва ойлик иш ҳақи ўртасидаги фарқларни кенгайтириш назарда тутилади.	Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги	2020 йил 1 август	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги йилдаги ПҚ-4708-сон қарори қабул қилинди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон қарори қабул қилинди.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармони қабул қилинди.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон қарори қабул қилинди.</p>
3 (162)	Халқ таълими тизимидаги муассасаларни бошқариш бўйича ягона электрон дастурий мажмуани яратиш.	Ўрнатилган тартибда ушбу лойиҳани амалга оширувчи ташкилотни белгилаш. Амалий чора-тадбирлар. Бунда ҳамда тегишли маълумотлар бўйича бошқа вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялаш назарда тутилади.	Халқ таълими вазирлиги, АКТ вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	Йил давомида	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>“Халқ таълими тизимини бошқаришнинг ахборот тизими” дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш лойиҳасини ўрнатилган тартибда амалга оширувчи ташкилот сифатида “Инновация, технология ва стратегия маркази” давлат унитар корхонаси Халқ таълими вазирининг 2020 йил 9 мартдаги 73-сонли буйруғига мувофиқ белгиланди.</p> <p>Лойиҳа доирасида: умумтаълим муассасаларининг паспорти, ўқувчилар контингенти, штат бирликлари, шундан банд қилинганлар, ходимлар сони, уларнинг эгаллаб турган лавозими, иш ҳақи миқдори бўйича маълумотлар киритилишга тайёрланди;</p> <p>Пандемия шароитида ота-оналарга фарзандларини 1-синфга ўқишга хужжатларини топширишда қулайлик яратиш мақсадида qabul.maktab.uz портали ишга туширилди.</p> <p>Тошкент шаҳридаги барча умумтаълим мактаблари 1-синфига қабул жараёни ушбу тизим орқали амалга оширилди.</p>

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
<p>Ягона электрон дастурий мажмуаси (ERP) ишлаб чиқилди ҳамда Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, АКТ вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат тест марказининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинди.</p>					
<p><b>Халқ таълими вазирлиги ҳамижрочи сифатида белгиланган топшириқлар</b></p>					
<p><b>4</b> (25)</p>	<p>Ёшларни давлат хизматида кизиштириш орқали ватанпарвар ёш кадрлар захирасини шакллантириш.</p>	<p>Давлат хизматлари маркази томонидан тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасига тегишли таклиф киритиш.</p> <p>Лойиҳада: ёшларнинг онгида давлат хизмати жозибдорлигини ошириш, уларда бу бўйича амалий кўникма ва дастлабки билимларни ошириш; ёшларда Ватанга садоқат ва хизмат руҳини вужудга келтириш орқали келгуси ватанпарвар ёш давлат хизматчилари қатламини шакллантириб бориш; ёшлар учун ўзи кизиққан йўналишдаги назарий билимларини амалиётда қўллаш учун республика ва ҳудудий давлат ташкилотларида ўз хоҳишига кўра кўнгилли сифатида икки ҳафталик амалиёт ўташига ушбу ташкилот раҳбарлари томонидан имконият яратиб бериш; ёшлар билан бевосита давлат ташкилотлари раҳбарлари ўртасида ташкилотга ёшларнинг ташриф буюриши орқали ўзаро муҳокама ва савол-жавобларга асосланган учрашувлар ҳамда ташкилот бўйлаб экскурсиялар ташкил этиб бориш назарда тутилади.</p>	<p>Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги,</b> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>2020 йил 1 апрель</p>	<p><b>Бажарилди</b> Ёшларни давлат хизматида кизиштириш орқали ватанпарвар ёш кадрлар захирасини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқилиб, Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 25 мартдаги 06-06/1-1281-сонли хати билан Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигига тақдим қилинди.</p>
<p><b>5</b> (32)</p>	<p>Давлат органлари фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш.</p>	<p>Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>Дастурда: халқ таълими соҳасидаги ислохотлар, қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳамда уларнинг ижроси ҳақида халқимизга содда ва равон тилда тушунтириш; оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлардан кенг фойдаланиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш;</p>	<p>Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, АКТ вазирлиги, МТРК, Ўзбекистон Ахборот агентлиги, <b>вазирлик ва идоралар</b></p>	<p>2020 йил 1 апрель</p>	<p><b>Бажарилди</b> Ушбу банд ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг тегишли таклифлари жорий йилнинг 19 март куни вазирликнинг 06-01/9-1203-сонли хати билан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига тақдим этилди.</p> <p>Шунингдек, Халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислохотлар ОАВ ва кенг жамоатчилик ўртасида мунтазам ёритилиб борилди.</p>

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
		<p>маълумотлар очиклиги борасидаги ишларни танқидий кўриб чиқиб, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда маълумотларни мунтазам жойлаштириш ва янгилаб бориш;</p> <p>мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш учун ҳар бир идора ўзининг медиа дастурини ишлаб чиқиши ва Ҳукумат томонидан уларнинг ижросини қатъий назорат қилиш назарда тутилади.</p>			
6 (34)	<p>Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида энг обрўли ва ҳурматга эга шахсларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ва ҳаётий тажрибасини кенг жамоатчиликка, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш тизимини йўлга қўйиш.</p>	<p>“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва юқори даражадаги орденлар соҳиблари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган манзилли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш бўйича Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасига тақлиф киритиш.</p>	<p>Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>, АКТ вазирлиги</p>	2020 йил 1 июнь	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва юқори даражадаги орденлар соҳибларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган манзилли тарғибот тадбирларини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасига Халқ таълими вазирлигининг тақлифлари 2020 йил 17 апрелдаги 06-06/4-1598-сонли хати билан тақдим этилди.</p>
7 (44)	<p>Прописка тизимини ислоҳ қилиш.</p>	<p>2020 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида прописка тизими ислоҳ қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти умумтаълим муассасалари коэффициентлари ўсиб кетиш эҳтимолини олдини олиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасига тегишли тақлиф киритиш.</p>	<p>Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, ИИБ, ТИБ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, <b>вазирлик ва идоралар</b></p>	2020 йил 25 март	<p><b>Бажарилди</b></p> <p>Халқ таълими вазирлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги ишлаб чиқаётган прописка тизимини ислоҳ қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасини кўриб чиқишга тайёрлиги ҳақида 2020 йилнинг 24 мартда 06-02/2-1242-сонли хат тақдим этилди.</p>
8 (138)	<p>“Рақамли Ўзбекистон - 2030” дастурини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;</p> <p>маҳаллий ахборот технологияларининг ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;</p> <p>давлат бошқаруви соҳасида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашувни жорий қилиш масалалари юзасидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривож-</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси, АКТ вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, <b>вазирлик ва идоралар</b></p>	2020 йил 20 март	<p><b>Бажарилди</b></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси билан тасдиқланаётган “Рақамли Ўзбекистон-2030” Концепцияси дастурига Халқ таълими вазирлиги томонидан 2020 йил 20 мартда 01-04/4-277-сонли хат билан тақлифлар АКТ вазирлигига юборилди.</p> <p>Ушбу лойиҳага Давлат хусусий шериклик асосида умумтаълим мактаблари инфраструктураларини ривожлантириш, бунда, ўқувчилар давоматини назорат қилишининг ягона электрон аппарат-дастурий комплексини жорий этиш, Wi-fi эркин зоналарини ташкил қилиш, ўқувчилар кундаликларини қоғоз шаклидан босқичма-босқич электрон шаклга ўтказишни киритиш тақлифи берилди.</p>

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
		лантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасига таклиф киритиш.			Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон Фармони тасдиқланди.
9 (144)	Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида рақамли кўникмаларни такомиллаштириш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш.	<p>АКТ вазирлиги билан биргаликда умумтаълим муассасаларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, “Ақлли мактаб” “Электрон кутубхона” ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун инфратузилмани шакллантириш;</p> <p>“Бир миллион дастурчи” лойиҳасини умумтаълим мактабларидаги информатика тўғрақларида босқичма-босқич амалга ошириш;</p> <p>танлов ғолибларини саралаш ва тақдирлашни назарда тутган амалий чора-тадбирларни кўриш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси, АКТ вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b> , Инновация вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимлиги органлари	Йил давомида	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>АКТ вазирлиги томонидан 7 150 та мактабга кенг поласали интернет тармоғи етказилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 апрелдаги 08/1-609-сон топшириғига мувофиқ ҳудудлардаги умумтаълим мактабларида “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси доирасида ўқитилишини ташкил этишнинг 2020-2021 ўқув йилида ўқитиш Режа-жадвали тасдиқланди ва янги ўқув йилида 2 137 та мактабларда 46 723 нафар ўқувчиларни дастурлаш бўйича тайёрлаш белгиланди.</p> <p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки билан ҳамкорликда лойиҳа тўғрисида ўзбек, рус ва инглиз тилларида видеороликлар “Online-maktab” лойиҳаси доирасида намойиш этиладиган телеканалларда дарслар оралиғида узатиб борилиши йўлга қўйилди.</p> <p>Шунингдек, IT Park, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда Dubai Future Foundation билан ҳамкорликда ташкил этилган “One million uzbek coders” танловида 12 мингдан ортиқ талабгорлардан, энг фаол 6 нафар ғолиб (4 нафари мактаб ўқувчиси) 3 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофотларини қўлга киритишди.</p> <p>Бугунги кунда <a href="http://uzbekcoders.uz">uzbekcoders.uz</a> портали орқали 50 мингдан ортиқ ўқувчилар рўйхатдан ўтиб, замонавий дастурлаш йўналишларини ўрганишмоқда. Улардан 20 863 нафар ўқувчилар “UDACITY” компаниясининг халқаро даражадаги сертификатларига (14 685 нафари иштирокчи ва 6 178 нафари битирувчи сертификатлари) эга бўдилар.</p>

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
10 (156)	<p>Инвестицияларни жалб қилишда давлат-хусусий шериклик механизмларини қатта миқдорда капитал қўйилмаларни талаб этувчи соҳаларни татбиқ этиш.</p>	<p>Давлат хусусий шериклик лойиҳаларини тузиш борасидаги мақсадли индикаторлар, амалий чора-тадбирлар ва тармоқ жадваллари;</p> <p>Худудлардаги умумий ўрта таълим муассасаларига бўлган эҳтиёжини ҳамда ташаббускор тадбиркорлик субъектларининг тақлифларини пухта ўрганган ҳолда давлат-хусусий шериклик лойиҳа-ларини жорий этиш.</p> <p>Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ижро этилишини мунтазам мониторинг қилиш.</p> <p>Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва амалий натижадорлигини баҳолашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ДХШни ривожлантириш агентлиги, Транспорт вазирлиги, энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги,</b> вазирлик ва идоралар</p>	<p>Йил давомида</p>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>Халқ таълими вазирлиги ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ўртасида 2020 йил 3 июлда “2020-2022 йилларда давлат хусусий шериклик тамойиллари асосида халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган режалар бўйича” амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги томонидан бугунги кунга қадар республика бўйича жами 24 та давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар (умумий қиймати 91,9 млрд. сўм) имзоланган.</p> <p>Улардан:</p> <p>18 та битим нодавлат умумтаълим муассасалари (умумий қиймати 64,7 млрд. сўм);</p> <p>4 та битим замонавий спорт майдончалари, кутубхона ва китоб дўкони (умумий қиймати 3,3 млрд. сўм);</p> <p>2 та битим автоматлаштирилган ахборот тизими яратиш ва жорий этиш (умумий қиймати 23,9 млрд. сўм) бўйича имзоланган.</p> <p>Худудлар кесимида мазкур давлат-хусусий шериклик лойиҳалар қуйидагича тақсимланади:</p> <p>Тошкент шаҳри: 5 та;</p> <p>Фарғона вилояти: 4 та;</p> <p>Андижон вилояти: 4 та;</p> <p>Наманган вилояти: 2 та</p> <p>Жиззах вилояти: 3 та</p> <p>Хоразм вилояти: 2 та;</p> <p>Қашқадарё вилояти: 2 та;</p> <p>Навоий вилояти: 1 та;</p> <p>Самарқанд вилояти: 1 та</p>
11 (161)	<p>Умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига улаш.</p>	<p>АКТ вазирлиги билан биргаликда кенг полосали Интернет тармоғига уланган умумтаълим мактаблари улушини 70 фоизга етказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>АКТ вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги,</b> «Ўзбектелеком» АК</p>	<p>Йил давомида</p>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>АКТ вазирлиги билан биргаликда <b>7 150 та (71%)</b> мактабга кенг полосали интернет тармоғи етказилди.</p>

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
12 (163)	Умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига 2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун республика бўйича 348 та таянч мактабни белгилаб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчиларнинг малакасини оширишни назарда тутган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, <b>Халқ таълими вазирлиги,</b> Молия вазирлиги	Йил давомида	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>Халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришда таянч мактабларнинг ташкил этилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 8 майдаги 17 ва 23-ққ сонли қарори қабул қилинди.</p> <p>Республика бўйича жами 348 та мактаб халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш бўйича таянч мактаблари этиб белгиланди.</p> <p>Мазкур таянч мактабларига 341 номдаги 215 076 дона (тўплам) жиҳозлар етказилди.</p> <p>А. Авлоний номидаги институтда каскад усулида 4 000 нафардан ортиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакаси оширилди.</p> <p>Шунингдек, Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази билан ҳамкорликда PISA ва PIRLS йўналишларига мос равишда 4 номдаги услубий қўлланмалар нашрдан чиқарилиб, барча умумтаълим мактабларига етказилди.</p> <p>Бундан ташқари, 348 та таянч мактабларининг 1 500 нафар ўқитувчилари математика ва 1 800 нафар ўқитувчилари табиий фанлар бўйича тренер-ўқитувчиларини тайёрлаш мақсадида видеосеминарлар ташкил этилди.</p> <p>2020 йил 24-25 август кунлари Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекция, Халқ таълими вазирлиги Жаҳон банкнинг READ дастури доирасида Россия Таълим стратегияларини ривожлантириш институти Таълим сифатини баҳолаш маркази билан ҳамкорликда “Халқаро тадқиқотларда иштирок этиш -инсон капиталини ривожлантириш омили” мазусида вебинар ташкил этилди. Тадбирда 1000 га яқин соҳа мутахассислари, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилари иштирок этди.</p> <p>2020 йил 23 сентябрда етакчи халқаро эксперт Марк Зелман билан ҳамкорликда “Сифатли баҳолаш тизими – сифатли таълим кафолати” мавзусида онлайн вебинар ташкил этилди. Тадбирда таълим сифатини баҳолаш бўйича фаолият юритаётган барча тизим ходимлари, 1000 нафарга яқин соҳа мутахассислари, халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришга йўналтирилган 348 та таянч мактаб раҳбарлари, тренер-ўқитувчилари иштирок этди.</p> <p>2020 йил 30 сентябрда тестология бўйича малакали мутахассис Комил Жалилов, 2020 йил 23 октябрда халқаро экспертлар Марк Зелман (АҚШ) ҳамда Ольга Анисимова (Россия Федерацияси) иштирокида вебинар ташкил этилди.</p>

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
13 (164)	Янги умумтаълим мактабларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва хусусий мактаблар сонини ошириш.	<p>Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан биргаликда 2020-2022 йилларда:</p> <p>36 та янги умумтаълим мактабини куриш, 160 та мактабни реконструкция қилиш ва 114 тасини капитал таъмирлаш, 80 925 та ўқувчи ўрнини ва 54 та спорт залини фойдаланишга топшириш;</p> <p>55 та хусусий мактаб ташкил этиб, уларнинг сонини 141 тага етказиш;</p> <p>умумтаълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш.</p>	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b> , вазирлик ва идоралар	Йил давомида	<p><b>Бажарилди.</b> 2020 йил Инвестиция дастури асосида марказлашган бюджети маблағлар ҳисобига жами 492 та (36 та янги қурилиш, 261 та реконструкция қилиш, 195 та мукамал таъмирлаш) умумтаълим объектларидаг 1,7 трлн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб якунига етказилди ва фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 57 та умумтаълим муассасаларига янги спорт зал бинолари қурилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига кўра қўшимча жами 83,2 минг қўшича ўқувчи ўрни яратилди.</p> <p><b>Бажарилди.</b> Амалга оширилган ташкилий-амалий чоралар натижасида ҳозирда республикада ноодавлат умумтаълим муассасалари сони 162 тага етказилди.</p> <p><b>Бажарилди.</b> Корея Республикаси Эксимбанки иштирокидаги “Мактаб таълимида ахборот-коммуникацион технологияларни янада ривожлантириш” лойиҳаси доирасида режалаштирилган 2859 та умумтаълим мактабларига ўқув компьютер синфлари етказилди. Умумтаълим мактаблари учун 50 га яқин электрон ахборот-таълим ресурслари ҳамда дарслик ва методик қўлланмаларнинг барчаси вазирликнинг eduportal.uz ахборот-таълим порталига жойлаштирилди.</p>
14 (177)	Она тили ва адабиёт бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш.	Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг она тили ва адабиёт фанидан билими (нутқий компетенция ҳамда тил ва адабиётга оид кўникмалари)ни текшириш имкониятини яратиш бўйича Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига таклиф киритиш.	Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b> , тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар	2020 йил 1 сентябрь	<p><b>Бажарилди.</b> Давлат тест маркази томонидан умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг она тили ва адабиёт фанидан билимларини текшириш имкониятини яратишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳга Халқ таълими вазирлигидан 4 нафар малакали мутахассислар киритилди. 2020 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 646-сон қарори тасдиқланди.</p>
15 (179)	Математика илм-фанини ривожлантириш.	Мактаб, олий ўқув юрти, илмий муассасалар ўртасидаги яқин ҳамкорликни бирлаштирувчи яхлит тизимини шакллантириш;	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, <b>Халқ таълими вазирлиги</b> , Олий ва ўрта махсус	2020 йил 1 апрель	<p><b>Бажарилди</b> Мазкур вазифа ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 24 мартдаги 06-02/4-1265-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тегишлилиги бўйича ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилди.</p>



Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
		<p>Мақтаб ўқувчилари учун математика фанидан оддий ва тушунарли тилда ёзилган оммабоп дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш;</p> <p>Ҳар бир туман марказида математика фанига ихтисослашган мақтаб ташкил қилиш ва ўқитувчиларга қўшимча устама ҳақи тўлашни жорий этиш бўйича Инновация вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасига таклиф киритиш.</p>	таълим вазирлиги		<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги йилдаги ПҚ-4708-сон қарори қабул қилинди.</p> <p><b>Бажарилди</b> Мақтаб ўқувчилари учун математика фанидан оддий ва тушунарли тилда ёзилган оммабоп дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 6 март куни вазирликнинг 06-02/1-935-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этилди.</p> <p><b>Бажарилди</b> Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 18 мартда Халқ таълими вазирлигининг 01-02/5-258-сонли хати билан Инновация вазирлигига тегишли таклифлар киритилди.</p>
16 (183)	Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга ошириладиган ишларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича “Ўзбекистон ёшлари - 2025” Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқида Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг янги ва халқаро стандартларга мос механизмларини яратиш бўйича норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасига таклиф киритиш.	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, манфаатдор вазирлик ва идоралар	2020 йил 1 июль	<p><b>Бажарилди.</b> Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг янги ва халқаро стандартларга мос механизмларини яратиш бўйича қарор лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқилди ва вазирликнинг 2020 йил 12 майдаги 06-06/1-1807 сонли хати билан тегишли таклифлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига тақдим этилди.</p>
17 (185)	Дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган ўтмиш алломаларининг илмий мероси, ҳаёт йўлини бугунги ёш авлодга очиб берувчи туркум кўрсатувлар тайёрлаб эфирга узатиш.	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига дунё ва мамлакатимиз илм-фани, адабиёти, маданияти, санъати ривожига улкан ҳисса қўшган ўтмиш алломаларининг илмий мероси, ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиниб, халқимизнинг маданий-маърифий бойликлари ҳақидаги билим ва тафаккурларни бойитишни назарда тутган чора-тадбирлар режасига таклиф киритиш.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Фанлар Академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>	2020 йил 20 март	<p><b>Бажарилди</b> Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Халқ таълими вазирлигининг таклифлари 2020 йил 16 мартдаги 06-06/1-1131-сонли хат билан юборилди.</p> <p>Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги “Дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган ўтмиш алломаларининг илмий мероси, ҳаёт йўлини бугунги ёш авлодга очиб берувчи туркум кўрсатувлар тайёрлаб, эфирга узатиш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди.</p>

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
18 (194)	Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиш.	Молия вазирлигига “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан уларни иш, уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқишни назарда тутган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги,</b> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазирлик ва идоралар	2020 йил 1 сентябрь	<b>Бажарилди</b> Мазкур банд ижроси юзасидан жорий йилнинг 20 март куни вазирликнинг тегишли таклифлари 06-06/2-1222-сонли хат билан Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига тақдим этилди.
19 (226)	Ўзбек халқининг улуғ адиблари Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев таваллудининг 80 йиллиги, таниқли шоир Шавкат Раҳмон таваллудининг 70 йиллигини кенг нишонлаш.	Ўзбек халқининг улуғ адиблари Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Шавкат Раҳмон номларини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар асосида замонавий театр репертуарларини сахналаштириш; танланган асарларини, улар ҳақидаги “Замондошлари хотирасида” туркумидаги китобларни чоп этиш бўйича Ёзувчилар уюшмасига чоратадбирлар дастурини амалга оширишда яқиндан ёрдам кўрсатиш.	Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги,</b> вазирлик ва идоралар	Йил давомида	<b>Бажарилди.</b> Ушбу банд ижроси юзасидан жорий йилнинг 20 март куни Халқ таълими вазирлиги режалаштирилган тадбирларни юқори савияда ўтказишда ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда ёрдам беришга тайёрлиги ҳақида 06-06/4-1221-сонли хати Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига тақдим этилди. Республика болалар кутубхонаси томонидан видеомулочот шаклида Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Шавкат Раҳмон ҳаёти ва ижодига бағишланган онлайн ижодий учрашув ташкил этилди. Видеомулочотда ўқувчиларнинг саволларига жавоблар берилди. Шунингдек, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда 2020 йилнинг 3 декабрида таваллуд куниларга бағишланган тадбирлар ташкил этилди.
20 (235)	Спорт турлари бўйича федерация (уюшма)лар ва спортни ривожлантиришга масъул ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш.	Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, бошқа давлат ташкилотлари ҳамда спорт турлари бўйича федерациялар ўртасидаги ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш; жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга масъул ташкилотларни аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича фаолияти ва масъулияти масалаларини назарда тутувчи Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф киритиш.	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги,</b> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳаллий ижроия ҳокимлиги органлари, Касаба уюшмалари Федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси	2020 йил 1 октябрь	<b>Бажарилди.</b> Халқ таълими вазирлиги томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга масъул ташкилотларни аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича фаолияти ва масъулияти масалаларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқилди ва вазирликнинг 2020 йил 20 мартдаги 06-06/3-1236-сонли хати билан тегишли таклифлари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига тақдим этилди.

Т/р	Фармонда белгиланган топшириқ	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа	Фармонда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар	Бажариш муддати	Ижро ҳолати тўғрисида маълумот
21 (277)	Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд Форумини ўтказиш.	<p>Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Форум концепцияси лойиҳасига таклиф киритиш;</p> <p>Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё Форумини 2020 йил Самарқанд шаҳрида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;</p> <p>Форумда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ишлаб чиқилиши Ўзбекистон томонидан таклиф этилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенсия лойиҳасини муҳокама этишда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга амалий чора-тадбирларни амалга оширишда ўрнатилган тартибда амалий ёрдам бериш.</p>	<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), ТИВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, <b>Халқ таълими вазирлиги</b>, вазирлик ва идоралар</p>	2020 йил 1 май	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>Халқ таълими вазирлигида тегишли ишчи гуруҳ шакллантирилиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд Форумини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, 2020 йил 15 апрелда 06-06/1-1542-сонли хат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказга тақдим этилди.</p> <p>2020 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони тасдиқланди.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми концепцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 641-сон қарори тасдиқланди.</p>